


ҚУМҚҮФОН ТУМАНИДА ДХХ КУБОГИГА СТАРТ БЕРИЛДИ



Қумқұрғон тумани БҰСМ үйингоҳида ташкил этилган тадбирда ДХХ кубоги учун мини-футбол бүйича мусобақаси үтказилади.

Тадбирни туман ҳокими Р.Гаппаров, туман ДХХ бошлиғи Э.Шеров, сектор раҳбарлари иштирок этишди.

Унда 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлардан иборат жамолар гурухларга бўлинган ҳолда майдонда тўп суришади.

Спорт ўйинлари байрам тадбирига айланиб, вилоятимиз ва туманимиз санъаткорлари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар барчага манзур бўлди.

Эслатиб ўтамиз, вилоят босқичида 1-ўринни эгаллаган жамоалар тегишли ўринни тасдиқловчи кубок, диплом, спорт медаллари, бадиий китоб ва майший техникалар билан тақдирланади ҳамда ғолиб жамоа маҳалласига “Workout” майдончалари қуриб берилади, ваучер “сертификат” республика босқичининг тақдирлаш маросимида топширилади.